

(?–1035)
(1025-1034)

Мовароуннахр иликхони. Корахонийлардан. Мовароуннахрни самонийлардан тортиб олишда иштирок этган (999-1012). Наср ибн Али вафоти (1013)дан сўнг тахт учун кураш чоғида арслонхонлардан Мухаммад ибн Али томонидан асир олинган. Тахминан 1025-йилда асирликдан қочиб Бухорони эгаллаган ва салжукийлардан Арслон ибн Салжук билан иттифок тузган. Алитегинга қарши иликхон Мансур ибн Али қўшин тортиб келган, бироқ мағлубиятга учраган. Шундан сўнг Алитегин Мавороуннахрни марказий қисми (Самарканд, Бухоро, Кашкадарё водийси) иликхони бўлган. Алитегинга қарши Махмуд Газнавий ва корахонийларнинг Шаркий Туркистондаги ҳокони Кодирхон Юсуф ҳарбий иттифок тузиб (1025) Самарканд яқинида Алитегин қўшини билан тўқнашган. Алитегин Самарканд ва Бухорони ташлаб қўлга чекинган, хотини ва кизи ракиблари қўлига асир тушган. Бироқ Махмуд Газнавийнинг асли мақсади Алитегинни заифлаштириш бўлгани сабабдан биров вақтдан сўнг Мовароуннахрни ташлаб чиққан. Алитегин яна ўз мулкани қайтариб олган.

1032-йил хоразмшоҳ Олтунош султон Масъуд Газнавийнинг топширигига қўра, Алитегин ерларига ҳужум қилиб Бухорони эгаллаган, бироқ Дабусия яқинидаги жангда яродор бўлиб, вафот этган. Хоразм қўшини сулх тузиб юртига қайтиб кетган.